

## МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ.

*ТДИУ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси*

*Бозоров Ильёс Исомиддинович*

*ilyos.b.1986@list.ru. тел. 998(93) 392-25-23*

*ТДИУ Корпоратив бошқарув факултети*

*3-курс талабаси*

*Эргашова Сабрина Кузимуратовна*

*@ssvbrinvv list.ru. тел. 998(90)646-27-37*

**Аннотация:** Мақолада Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналишлари, кичик ва бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни молиялаш зарурати ва хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш имкониятлари, ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратишда кафолатли жамғармалар ташкил этиш орқали инвестицион муҳитни янада такомиллаштириш ҳақида таклиф ва хуласалар келтирилган.

**Abstract:**The article highlights the priorities of successive reforms in Uzbekistan, the need to Finance investment projects for the development of small and medium-sized businesses and private entrepreneurship and the possibility of financing through foreign credit lines and banks, as well as conclusions and proposals for further improvement of the investment climate by creating guaranteed funds to create a business environment.

**Аннотация:** В статье освещены приоритетные направления последовательных реформ в Узбекистане, необходимость финансирование инвестиционных проектов для развития малого и среднего бизнеса и частного предпринимательства и возможности финансирования за счет иностранных кредитных линий и банков, а также выводы и предложения по дальнейшему улучшению инвестиционного климата путем создания гарантированных фондов для создания бизнес-среды.

**Калит сўзлар:** инвестиция, нвестицияон лойиҳа, стратегия, ишбилармонлик муҳити, кредит линиялар, кафолат фонди, ликвид, инвестицион дастур, Бери индекс.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционный проект, стратегия, бизнес-среда, кредитные линии, гарантийный фонд, ликвидность, инвестиционная программа, индекс.

**Key Words:** investment, investment project, strategy, business environment, credit line, guarantee fund, liquidity, investment program, index. **Keywords:** investment, investment project, strategy, business environment, credit lines, guarantee fund, liquidity, investment program, Since index.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури, Инвестиция лойиҳалари экспертизаси, Инвестицияларни химоя қилиш, Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари, Инвестицияларнинг кўшимча кафолатлари ва химоя қилиш чоралари, Очиқ ахборотдан эркин фойдалана олиш, Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликлар белгилаб берилган. Шунингдек, Мамлакатда инвестиция фаолияти Қонунлар тизими билан, шунингдек мамлакат Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар яъни Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлар ташкил этади ва тартибга солиб турилади. [1]

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид [чора тадбирлар](#) белгиланди. [2]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири-бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Халқаро андозалар талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истаги бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди.

Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида, молиявий жиҳатдан бақувват, кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар, тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни, машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва узеллар ҳамда кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга берилади.

Жадвал-1

**Тошкент вилояти бўйича фаолият юритаётган хорижий сармоя иштирокидаги соҳалар ўзгариши динамикаси (дона)**

№	Соҳалар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020/2019 (%)
1	Қишлоқ хўжалиги	42	53	74	139,62
2	Саноат	344	374	532	142,25
3	Қурилиш	9	12	21	175,00
4	Савдо	71	68	119	175,00
5	Ташиш ва сақлаш	12	12	19	158,33
6	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	12	15	125,00
7	Ахборот ва алоқа	0	1	1	100,00
8	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	4	9	225,00
9	Бошқа турлар	48	47	61	129,79
	<b>Жами</b>	<b>538</b>	<b>583</b>	<b>851</b>	<b>145,97</b>

Манба: Тошкент вилояти ҳокимлигининг ҳисобот йиллар бўйича иқтисодий кўрсаткичлари маълумотларидан

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, Тошкент вилояти бўйича фаолият юритаётган хорижий сармоя иштирокидаги соҳалар инвестициялар салмоғи 2020 йилда олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир.



Бу саҳалар ичида юқори ўринларда саноат, савдо ва қурилиш соҳалари самарали инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга қўллаб-қувватлаш мақсадида далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки”, “Агробанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака”банк, “Ипотека”банк, “Ипак Йўли” банки, “Микрокредит”ва “Ҳамкорбанк”лар томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

2019-2020 йилларга Республикамиз тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдордаги хорижий кредит линиялари очилган ҳамда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган. Ўзлаштирилган кредит линиялари ҳисобига янги ишчи ўринлари яратилиши таъминлақмоқда.

Чет эл кредитлари ўз вақтида ўзлаштирилмаслигининг яна бир сабаби, кредит берилишида асосий шартлардан бири бўлган кредит таъминотининг етишмаслигидир. Инвестицион лойиҳалари маъқулланган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоизи белгиланган миқдордаги ёки ликвидли таъминот турини тақдим этолмаганлиги сабабли лойиҳаларни молиялаштириш кечикмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар, яъни:

- кўчмас мулк бозорининг (ишлаб чиқариш характеридаги) ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли ривожланмаганлиги;
- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.


Хўжалик субъектларининг кредит олишда таъминотининг етишмаслиги муаммоси фақат бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда эмас балки, ривожланган АҚШ, Япония ва Европа давлатларида ҳам мавжуд. Ушбу давлатларда бу муаммо Давлат кафолат фонди орқали тижорат банклари кредитларининг 50-60 фоизигача миқдорда кафиллик бериш орқали ўз ечимини топади.

Ушбу муаммонинг долзарблигини инобатга олиб, 2019 йилда 18та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456та лойиҳа амалга оширилмоқда. [3]

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун молиялаштириш дастакларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга ечим топишимиз зарурдир. Иқтисодийнинг турли мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида кенг фойдаланишга ўтиши, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тараққиёти билан молия муносабатлари ҳам бозор талаблари асосида ривожланиши учун муҳим туртки олди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес корхоналарини молиялаштиришнинг турли хил манбаларини қуйидаги расм ҳолида тасвирлаш мумкин (1-расм).



### 1-расм. Кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш манбалари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ушбу маблағларни жалб этиш имкониятларининг янада мустаҳкамланишига эришиш ҳамда турли солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мақсадида кичик бизнес келгуси тараққиёти учун хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳити моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш, хорижлик инвесторларнинг хулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республикамизнинг бошқа давлатлар билан дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капитални жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берадиган ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция муҳити объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради. Лекин, ҳозирги шароитда инвестиция муҳити фақат давлат органлари таъсири остида шаклланмоқда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан, хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараёни амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Давлат ҳоқимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгаллигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Чунки, у инвестиция муҳитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонининг хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этади, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради. [4]

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳолаш борасида турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувлар бир-биридан инвестиция муҳитини ташкил этувчи омилларни тулиқ ёки қисман камраб олиши билан фарқ қилади. Таҳлиллар кўрсатишича, «Стандарт ва Поорс» («Standard & Poors»), «Мудис» (Moody's) ва «Фитч АБКА» (Fitch IBCA) жаҳондаги энг йирик рейтинг агентликларидан ҳисобланади. Ушбу агентликлар эмитентнинг қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлабонли бажара олиш имкониятлари ва эмитентларнинг кредит бера олиш қобилиятига баҳо берадилар. Агентликлар томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган рейтинглар мамлакат инвестиция муҳитини маълум даражада баҳолаш имконини беради. Инвестициялаш борасидаги қўшма лойиҳалар ва қўшма корхоналарни ташкил этишдаги рискларни ҳисобга олишда кўпчилик хорижий инвесторлар Бери индексидан фойдаланадилар. Ушбу индекс мамлакатдаги инвестиция муҳитини турлича салмоққа эга бўлган 15 та баҳолаш мезонлари асосида ҳисоблаб чиқади. Ҳар бир мезонга 0 дан (тўғри келмайди) 4 гача (ўта қулай) баҳо берилади. Тўпланган юқори балл «барқарор мамлакат»ни англатади. Мамлакат тўплаган балл қанчалик юқори бўлса, инвестициялашдан олиниши мўлжалланган фойда ҳам шунча юқори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестициялаш асоссиз ҳисобланади. «Бери» индексининг умумий кўриниши қуйидаги 2-жадвалда кўрсатилган:



**БЕРИ индекси**

	<b>Мезонлар</b>	<b>Салм оғи %</b>
•	Сиёсий барқарорлик: кутилмаган ҳукумат тўнтаришлари имкониятлари ва уларнинг тадбиркорлик фаоллигига таъсирини баҳолайди	12
•	Хорижий инвестициялар ва фойдага муносабат: хусусий тадбиркорларга тегишли ижтимоий эҳтиёжларга бўлган харажатлар ҳажми	6
•	Миллийлаштириш: беғараз экспроприация имкониятлариданмаҳаллий ҳомиятларга имтиёзлар беришгача	6
•	Девальвация: девальвация таъсири, ҳамда корхона фаолиятига девальвациянинг таъсирини юмшатовчи чораларнинг ҳаётийлиги	6
•	Тўлов баланси: ҳисоблар баланси ва умумий балансга, ҳамда хорижий инвесторларнинг даромадларига таъсир этувчи омиллар	6
•	Расмиятчилик масалалари: давлатнинг иқтисодийга аралашуви даражаси, божхона расмиятчиликларини амалга оширилиши, валюта ўтказишлари ва бошқа шундай операциялар	4
•	Иқтисодий ўсиш суръатлари: йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 3%, 3-6%, 6-10% ва 10%дан юқори чегараларда	10
•	Валютанинг конвертирлангани: миллий валютанинг хорижий валютага алмаштириш имконияти, ҳамда миллий валютанинг (корхоналарга зарур бўлган даражада) валюталар бозоридаги ўрни	10
•	Шарномани амалга ошириш имконияти: шартномага амал қилиш имконияти, ҳамда тил ва урф- одатлардаги фарқ натижасида қийинчиликларнинг юзага келиши	6
<b>0.</b>	Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигига харажатлар: иш ҳақи даражаси, меҳнат унумдорлиги, ишга қабул қилиш тартиби	8
<b>1.</b>	Экспертлар ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш имконияти: корхоналарга юридик, бухгалтерия, маркетинг	2

	бўйича маслаҳатлар бериш, технология ва қурилиш ишларини амалга ошириш соҳаларида маслаҳатлар кўтиш имконияти	
2.	Алоқа ва транспортни ташкил этиш: фаолият кўрсатаётган корхоналар ва уларнинг филиаллари орасидаги транспорт йўллари ва алоқа тизимини (мамлакат ичидагини ҳам) ташкил этиш ва фойдаланиш имконияти. Транспорт инфратузилмасини баҳолаш	4
3.	Маҳаллий бошқарув ва ҳамкор: бошқарувнинг турли масалаларини ечишда ўз капитали билан қатнашиш ва ҳамкорликда фаолият юритиши мумкин бўлган маҳаллий ҳамкорларнинг сони ва имкониятлари	4
4.	Қисқа муддатли кредит: хорижий ҳамкорларга қисқа муддатли кредитлар бериш ва улардан фойдаланиш имконияти	8
5.	Узоқ муддатли кредит ва шахсий капитал: ҳамкорлар томонидан низом капталига ўз улушларини қўшиш шартлари ва миллий валютада узоқ муддатли кредит бериш шартлари	8

Манба: Human Development Report United Nations Development Programme, Global Competitiveness Index 2017–2018 Rankings <http://www.beri.com/publications.aspx>

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига нисбатан Бери индекси асосида инвестиция муҳити имитацион баҳоланган бўлиб, у қуйидаги 3-жадвал қайд этилган:

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси инвестиция муҳитининг имитацион баҳоланиши**

	БЕРИ индекси мезонлари	Ба хоси	Салмоғи, %	Индекс
	Сиёсий барқарорлик	4	12	0,48
.	Хорижий инвестициялар ва фойдага муносабат	3	6	0,18
.	Миллийлаштириш	2	6	0,12
.	Девальвация	0	6	0
.	Тўлов баланси	1	6	0,06



.	Расмиятчилик масалалари	1	4	0,0 4
.	Иқтисодий ўсиш суръатлари	1	10	0,0 1
.	Валютани конвертирланганлиги	1	10	0,0 1
.	Шарномани амалга ошириш имконияти	3	6	0,1 8
0.	Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигига харажатлар	2	8	0,1 6
1.	Экспертлар ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш имконияти	1	2	0,0 2
2.	Алоқа ва транспортни ташкил этиш	1	4	0,0 4
3.	Маҳаллий бошқарув ва ҳамкор	3	4	0,1 2
4.	Қисқа муддатли кредит	1	8	0,0 8
5.	Узоқ муддатли кредит ва шахсий капитал	2	8	0,1 6
	<b>ЖАМИ</b>		<b>100</b>	<b>1,6 1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси марказий банки маълумотларидан олинган.

Мамлакат инвестиция муҳитини баҳолашда яна халқаро кредит рейтингларидан ҳам фойдаланилади. Улар жаҳондаги ўн бир обрўли агентлик томонидан ишлаб чиқилади. Улардан бештаси – америка, учтаси – япон, иккитаси – канада ва биттаси англия агентликларидир. Бунда бозорнинг 90% икки йирик ва машҳур америка компанияларига тегишлидир.

Хорижий инвесторлар рейтингдаги маълумотлардан вақтни тежаш мақсадида кенг фойдаланадилар. Мамлакатнинг рейтинги юқори ёки пастлиги албатта аҳамият касб этади. Лекин шу рейтингга киришнинг ўзи ҳам инвесторларда ушбу мамлакатга нисбатан у ёки бу даражада ишонч уйғотади.[4]

Умумжаҳон банкининг «Ҳамма учун инвестиция муҳитини қандай шакллантириш мумкин» [5] мавзуидаги жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши

тўғрисидаги йиллик ҳисоботида инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича банк ёндашувининг асосий мазмуни келтирилган.

Юқорида кўриб чиқилган усуллар сингари ушбу ёндашувда ҳам мутахассислар томонидан бериладиган баллар йиқиндидан фойдаланилади. Умумжаҳон банки ёндашувига кўра мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жинойтчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ва меҳнат қонунчилигининг сифати.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳлил этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция rischi билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятлари эътиборга олинмайди.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда кичик бизнесни қўллашни ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисоблайдиган давлат ва жамият ташкилотларининг сони кўпаймоқда. Улар фақат молиявий ёрдам қилмасдан, балки (қоида бўйича имтиёзли кредит шаклида), ходимларни ўқитиш ва бошқа ишларда ёрдам беради.

Бу каби чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун мурожаат қилишдан олдин уларни ўзига хос талабларини билиш керак, кўплари улар учун керакли соҳалардаги кичик корхоналарга ёки ҳудудлардаги лаёқатли гуруҳларга ёрдам кўрсатиш лозим, ҳамда инвестиция маблағларини жалб этишнинг бошқа муқобил ва инновацион имкониятлари топшириши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1).

<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>

2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. Архив научных исследований, 1(1). <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5), <http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojq.net/index.php /journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. Архив научных исследований, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
8. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. *Indian Journal of Economics and Business*. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2 <http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php> Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.
9. Қличев, Б. П. (2022). КРИ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
10. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. *Central European Management Journal*. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293 [https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl\\_cemj/article/view/1284.html](https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html)
11. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of New Century Innovations*, 6(1), 67–79. <http://newjournal.org/index.php/new/ article/view/996>
12. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 889-892.



13. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591 <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
14. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(3), 148-153.
15. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. *International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR)* ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157 <http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>
16. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
17. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN, 2249(0892). [http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1\\_P7.pdf](http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf)
18. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . *Journal of New Century Innovations*, 10(2), 48–54. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
19. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
20. Ф.Қ.Бобоҳўжаева, (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жihatлари. *EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES*, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
21. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жihatлари. *Biznes-Эксперт*, 3 (159), 39-42.
22. Холдоров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТISОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>
23. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich

Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 693-697).

<https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>

24. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 2020, Systems (pp. 44-48).

<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>

25. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>

26. [Имомқулов, Т. Б. \(2022\). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Journal of new century innovations, 6\(1\), 57-66.](#)

27. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering and Management, Volume 83, 1733-1743

<http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>

28. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>

29. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12(5), 51-54.

<https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>

30. Имомқулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>